

Қанча вақтдан бери шундай намоз ўқийсиз?



14:00 / 21.03.2022 5187

Бир қози ёшгина бир йигитнинг масжидда зуҳд ҳақида гапираётганидан хабар топиб, шогирдларига «Бизни ўша йигитнинг олдига олиб боринглар, бориб унга савол бериб кўрайлик. Агар жавоб бера олса, мажлисида ўтириб, гапларини тинглаймиз» дебди. Масжидга бориб, йигитдан: «Эй йигит, менга намоз ҳақида хабар бер» дебди. Йигит қозидан «Сиз мендан намознинг одобларини сўраяпсизми ёки кайфияти (қандай адо этилиши)ними?» деб сўрабди. Қози бу ҳолдан ажабланиб, ичида «Ажабо, биз ундан битта савол сўрадик, у саволимизни иккига бўлди» дебди. Сўнг йигитга: «Менга намознинг одоблари ҳақида хабар бер» дебди. Йигит гап бошлабди: «Унинг одоблари намоз учун «Аллоҳ менга намозни фарз қилган. Ана шу фарзни адо этиш учун ўрнимдан туряпман» деган хаёл билан ўрнингиздан турасиз, савоб умидида намоз сари юрасиз, намозга ният билан кирасиз, Аллоҳни улуғлаш ҳисси билан такбир айтасиз, тартил билан қироат қиласиз, хушуъ билан рукуъ қиласиз, хузуъ билан сажда қиласиз, ихлос билан ташаҳҳуд ўқийсиз, раҳмат ила салом берасиз».

Қози йигитга: «Менга намознинг кайфияти ҳақида хабар бер» дебди. Йигит гап бошлабди: «Каъбани икки қошингиз ўртасига келтирасиз, тарозуни икки кўзингиз рўпарасига қўясиз, сиротни оёқларингиз остига қўясиз, жаннатни ўнг томонингизга, дўзахни чап томонингизга қўясиз, ўлим фариштасини ортингизда сизни сўраётган ҳолда тасавур қиласиз. Ана

шундан сўнг бу ўқиган намозингиз қабул қилинадими ёки рад этиладими, билмайсиз».

Қози ундан: «Қанча вақтдан бери шундай намоз ўқийсиз?» деб сўрабди.

Йигит: «Йигирма йилдан бери» дебди. Шунда қози шогирдларига ўгирилиб «Юринглар, эллик йиллик намозимизнинг қазосини ўқийлик» дебди.

Аллоҳим, бизни намозни хушў ила, одобу кайфиятларини жойига қўйиб адо этадиганлардан қилгин!

Аллоҳим, бизга намоздан дангасалик қилмайдиган, уни ортга сурмайдиган қалб ва тана бергин!

Аллоҳим, намозни кўзларимиз қувончи, қалбларимиз сурури қилиб қўйгин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади